

«Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жоме масжидида Қуръони Карим хатмонаси ўз якунига етди



23:52 / 08.05.2021 3275

Бугун 8 май куни «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жоме масжидида муборак Рамазон ойида бошланган Қуръони Карим хатмонаси ўз якунига етди. Хатмонага савоблардан баҳраманд бўлиш умидида кўплаб ҳамюртларимиз ташриф буюрди.

Рамазоннинг илк кунидан шу кунга қадар таровеҳда Ҳамидуллоҳ қори Арипов, Ҳасанхон қори Яҳё Абдулмажидлар Қуръон тиловат қилдилар ва уларга юзлаб Қуръон мухлислари соме бўлдилар.

Шу билан бирга «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жоме масжидининг имом-ноибни Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид томонидан ҳар куни «Қуръон билан танишув» номли туркум суҳбатларда оқшом хатмонада ўқиладиган сура ва оятларнинг нозил бўлиши каби умумий, қисқа маълумотларнинг бериб борилиши ҳам Қуръон ихлосмандларини унинг мазмун-моҳиятини янада кенгроқ англашга замин яратди.

Шунингдек, имом домлалар томонидан Рамазон суҳбатлари, Қуръонга бўлган муҳаббатни зиёда қилиш ва бу ойда қилинадиган дуолар ижобат

бўлиши, закотга оид масалалар ҳақидаги мавъизалар кўпчиликка манзур бўлди. Айниқса, Қадр кечаси ҳақида маърузалар барча учун манфаатли бўлди.

Қуръони Карим хатмонасидан сўнг, «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жоме масжиди имом-хатиби Исмоилжон домла Муҳаммад Содиқ Рамазон ойининг 27 кунини ўзида 70 дан ортиқ хатмоналар бўлгани, энг ибратлиси 9 ёшли ёш қори йигитимиз томонидан 27 мартаба Қуръони Каримни тўлиқ хатм қилгани ҳақида айтиб бердилар. Сўнгра Рамазон ойининг охириги муборак кечаларида, кейинги Рамазон ойларига соғ-саломатликда, тинчлик хотиржамликда етиб боришимизни, бутун дунёга тарқалган вабодан халос бўлишни жамоат ила Аллоҳ таолодан сўраб дуойи-хайрлар қилдилар.

Барчангизга Қадр кечалари муборак бўлсин!